

Ташкент шаҳар

Биз ким шартнома тузиб, имзо чекувчилар, бир томондан ЎзР ФА Ядро физикаси институти номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи унинг директори ўринбосари М.Ю.Ташметов, келгусида **БАЖАРУВЧИ** деб номланади ва иккинчи томондан «DORI VOSITALARINI STANDARTLASH ILMIY MARKAZI» МЧКК номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи унинг раҳбар М.М.Хамдамов, келгусида **БУЙОРТМАЧИ** деб номланиб, куйидаги шартномани тузишди:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. **БАЖАРУВЧИ БУЙОРТМАЧИ**нинг буюртмасига асосан тақдим қилинган маҳсулот ва объектларни радиациявий тадқиқ қилиш мажбуриятини, **БУЙОРТМАЧИ** эса ушбу кўрсатилган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ва хизмат ҳаққини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. **БУЙОРТМАЧИ** ушбу шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб тартибига мувофиқ **БАЖАРУВЧИ**га кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлайди.
- 1.3. **БУЙОРТМАЧИ** ўз ходимларининг **БАЖАРУВЧИ**нинг ҳудудида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларига жавобгардир.
- 1.4. **БАЖАРУВЧИ БУЙОРТМАЧИ** томонидан талаб қилинган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгардир.

### 2. ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

- 2.1. Ушбу шартнома бўйича бажарилган иш учун тўлов амалда бажарилган иш учун тўланади. Радиациявий тадқиқотлар нархи ушбу шартномага илова қилинган баённомада кўрсатилади. Ушбу баённома шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 2.2. **БАЖАРУВЧИ**нинг хизматлари учун тўловлар **БУЙОРТМАЧИ** томонидан **БАЖАРУВЧИ**нинг ҳисоб рақамига 100% олдиндан тўлаш йўли билан амалга оширилади.
- 2.3. **БУЙОРТМАЧИ** томонидан **БАЖАРУВЧИ**нинг хизматлари учун тўлов ҳисобварақ-фактура тақдим этилган кундан бошлаб 5 банк иш куни мобайнида амалга оширилади. Тўлов санаси – **БУЙОРТМАЧИ** томонидан банкка тўлов топшириқномаси тақдим этилган сана ҳисобланади.
- 2.4. Ушбу Шартнома бўйича амалда бажарилган хизматлар қиймати **БАЖАРУВЧИ** томонидан тақдим қилинган ва **БУЙОРТМАЧИ** томонидан тўланган ҳисобварақ-фактуралар (бажарилган ишлар далолатномалари билан тасдиқланган) йиғиндисидан иборат.
- 2.5. Нархлар ўзгарганда, шунингдек хизматлар таннархига таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳисобига хизматларнинг нархи қайта кўриб чиқилиши мумкин.
- 2.6. Агар нархлар ўзгарса, ҳар икки томон розилиги билан янги нархлар шартномага қўшимча келишувда аке эттирилади.

### 3. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТИ

- 3.1. **БУЙОРТМАЧИ**нинг ҳар бир буюртмаси бўйича **БАЖАРУВЧИ** томонидан ишни бошлаш санаси **БАЖАРУВЧИ** тақдим етган ҳисобварақ-фактурани **БУЙОРТМАЧИ** томонидан тўланган сана ҳисобланади. Ишни бажариш муддати ҳар бир буюртма учун тақдим этилган маҳсулот намуналари сони ва синовлар турига қараб аниқланади.
- 3.2. Бажарилган ишни топшириш, тегишли ҳисобварақ-фактура илова қилинган бажарилган иш далолатномаси асосида амалга оширилади.
- 3.3. Бажарилган иш тўғрисидаги далолатномани ҳар иккала томон имзолагандан сўнг, **БАЖАРУВЧИ** икки иш куни мобайнида **БУЙОРТМАЧИ**га тадқиқ қилинган маҳсулот учун синов баённомасини юборади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. **БУЙОРТМАЧИ** ўз вақтида тўловни амалга оширмаган ҳолатда, кечиктирилган ҳар бир кун учун шартноманинг умумий миқдоридан 0,5 % пеня жаримасини тўлайди, лекин пеня жаримаси шартнома умумий миқдорининг 50 % дан ошиб кетмаслиги керак.
- 4.2. **БАЖАРУВЧИ** ўз вақтида хизматни амалга оширмаган ҳолатда, кечиктирилган ҳар бир кун учун шартноманинг умумий миқдоридан 0,5 % пеня жаримасини тўлайди, лекин пеня жаримаси шартнома умумий миқдорининг 50 % дан ошиб кетмаслиги керак.
- 4.3. Пеня жаримаси тўлаш томонларни ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
- 4.4. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа жавобгарлик мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ белгиланади.

## 5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонлар ушбу шартнома асосидаги мажбуриятларини форс-мажор ҳолатлар, масалан, уруш эълон қилиниши ёки бошқаниши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, суғ тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар сабабли бажара олмаган ҳолда жавобгарликдан озод қилинадилар.

## 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало томонлар келишувини билан хал қилинади.
- 6.2. Томонларнинг келишувини билан хал қилиб бўлмайдиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали хал қилинади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Шартнома томонлар имзолаган санадан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар амал қилади.
- 7.2. Шартнома икки нусхадан тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва томонларга бир нусхадан берилади.
- 7.3. Шартномани томонларнинг ўзаро келишувига асосан амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

### БАЖАРУВЧИ

ЎзР ФА Ядро физикаси институти

Манзил: 100214, Ташкент ш., Улугбек кўргони  
Телефон: (0371) 289-37-58, 150-30-70

Факс: 289-37-58, 289-35-57

Банк реквизитлари:

ЎзР Молия вазирлиги қазначилиги

Х/р 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент ш. МБ Бош Бошкармаси ХҚМ

КТУТ 09729004, СТИР 201122919, МФО 00014

Ядро физикаси институти

ШХВ 400110860262697015100043001

СТИР 200540390, ИФТУТ 95110

### БУЮРТМАЧИ

DORI VOSITALARINI STANDARTLASH

ILMIY MARKAZI»

МЧЖ ХК

Манзил: Тошкент ш, Миробод тумани Ойбек 45.

Телефон (+0371) 230-71-31 256-19-90

Х/р 2020 8000 9041 5361 9001

«DAVR BANK» Ю.Абад ф-ли

МФО: 01122

СТИР: 203 791 394

ИФТУТ 71200

ҚҚСРР:

Директор

Ўринбосари

 М.Ю. Ташметов

мў

Директор

 М.М.Хамдамов

мў

РЛТ-005/2022 сонли  
шартномага илова  
2022 йил 6 январь

2022 йил 6 январьдаги РЛТ-005/2022 сонли  
шартномада кўрсатилган ишлар нархи бўйича келишув

### БАЁННОМАси

Биз ким, имзо чекувчилар, бир томондан ЎзР ФА Ядро физикаси институти номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи унинг директори ўринбосари М.Ю.Ташметов, келгусида **БАЖАРУВЧИ** деб номланади ва иккинчи томондан «DORI VOSITALARINI STANDARTLASH ILMIY MARKAZI» МЧЖ номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи унинг раҳбари М.М.Хамдамов, келгусида **БУЮРТМАЧИ** деб номланиб, ушбу **БАЁННОМА** билан **БУЮРТМАЧИ** томонидан тақдим этиладиган маҳсулотлар ва объектларни радиацион тадқиқ қилиш ишларининг нархлари тўғрисида **ТОМОН**лар келишувга эришганлигини тасдиқлашади.

Ушбу келишувга мувофиқ тадқиқотларнинг нархи қуйидагича:

№	Синов тури	Битта намунани синаш нархи, сўм
1	Сув намуналарида умумий солиштирма альфа ва бета радиоактивликни аниқлаш	170 525

Ушбу баённома шартноманинг ажралмас қисми ва **ТОМОН**лар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар учун асосдир.

#### БАЖАРУВЧИ

ЎзР ФА Ядро физикаси институти



Директор  
ўринбосари

М.Ў.

М.Ю.Ташметов

#### БУЮРТМАЧИ

«DORI VOSITALARINI STANDARTLASH  
ILMIY MARKAZI» МЧЖ



Директор

М.Ў.

М.М.Хамдамов